

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 2 июль, № 127 (6057) Чоршанба


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА УЧ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Шу кунларда халқимиз Ватанимизнинг шонли тарихидаги буюк ва ўчмас санани — Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрмоқда. Ана шу улуғ айёмни муносиб кутиб олиш ва ўтказиш мақсадида бугунги кунда олиб бораётган маънавий-маърифий фаолиятимизнинг асосий мазмунини, аввало, биз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида биз эришган ютуқ ва марраларнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз аҳолиси ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, уларнинг қадр-қимматини чуқур англаш ташкил этиши даркор.

Шулар қаторида Ўзбекистонимиз барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани, қўлга киритган улкан натижаларимизни бутун дунё тан олаётгани, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, ўзига муносиб ўрин эгаллаб олаётганини кенг ёритиш, бу ютуқларнинг асосий омили ва мезонини биринчи навбатда халқимизнинг дунёқараши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганида кўриш, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳар томонлама асослаб бериш ва бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур.

Шу муносабат билан:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси бир ҳафта муддатда **“Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!”** деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Нуроний” ва “Маҳалла” жамғармаларига Мустақиллик байрамининг йигирма уч йиллигини юксак савияда нишонлаш учун жойларда ҳудудий комиссиялар тузиш, Республика дастуридан ўрин оладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

3. Мазкур дастурни тузишда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилсин:

тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда “Ким эдигу ким бўлдик?” деган ҳаётий ҳақиқатни асосий ва бош ғоя сифатида белгилаш;

мамлакатимизнинг ўтган аср охирида кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолган, аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича собиқ СССРда энг охирги ўринлардан бирини эгаллаган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган, иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, қолоқ аграр республикадан бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланганини очиб бериш. Бунинг тасдиғини мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 карра ошгани, кейинги 9 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани ва бошқа шу каби рақам ва кўрсаткичлар мисолида қиёсий таҳлиллар орқали кўрсатиш;

юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, аҳолимизнинг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини ёритиш;

ҳеч шубҳасиз, вақт ўтиши билан тобора ёрқин намоён бўлаётган, биз биринчилар қаторида амалга оширган ва давом эттираётган, дунёда катта қизиқиш уйғотаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берганимиз мамлакатимизнинг катта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустаҳкам фундамент яратиб берганига алоҳида эътибор қаратиш;

биз учун ўта муҳим бўлган соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида қўлга киритган ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётий омилларини очиб бериш;

мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, айниқса, қиз болаларни замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун амалга ошираётган кенг кўламли ишларимизни ҳаётий ва таъсирчан мисолларда ифода этиш;

бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали ва қалтис замонда, ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек сақлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини чуқур акс эттириш;

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан дўстона алоқалар, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатини, дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш бўйича ёндашув ва қарашларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш;

юқорида баён этилган бекиёс натижалар, Ватанимизнинг изчил ва барқарор тараққиёти негизида турган асосий омил ва мезонларни очиб бериш амалга ошириладиган барча ахборот-информацион ишларимизда, маънавий-маърифий учрашув ва мулоқотларда, жонли суҳбатларда катта ўрин тутиши лозим. Ушбу қарорнинг кириш қисмида қайд этилган фикр ва ғояларни чуқур маънoли, шу билан бирга, содда тилда ёритиш, одамларнинг қалби ва онгига сингдириш бу борада алоҳида аҳамият касб этиши табиийдир.

Мухтасар айтганда, биз мустақиллик йилларида қандай оғир ва машаққатли синовлардан ўтиб, мисли кўрилмаган ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси замирида фақатгина халқимизнинг фидойи меҳнати, чидамлилиги, олижаноблиги ва бағрикенглиги, матонати ва жасорати, эртанги кунга мустаҳкам ишончи мужассам эканини теран акс эттириш зарур.

4. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган мутахассислар — сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусиқа асарлари учун “Ягонасан, муқаддас Ватан!” анъанавий республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Бадиий академия, “Тасвирий ойина” уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда август ойининг охирида “Энг улуғ, энг азиз”, “Ватан учун яшайлик”, “Сени куйлаймиз, замондош”, “Ранглар жилосида — она-диёр” каби кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Жаҳон” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 1 июль

**2 июль — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун**

*Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, юртимизнинг куч-қудрати ва салоҳияти ҳар жиҳатдан юксалиб бормоқда. Бу, табиийки, Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг, халқимиз азму шижоатининг самарасидир.*

## Ғурур ва ифтихор рамзи

Ҳадемай, Истиқлолимизнинг 23 йилини кенг тантана қиламиз. Бу давр ичида диёримизда асрларга татигулик ишлар қилинди. Республикамизда демократик ҳуқуқий ислоҳотларни янада ривожлантириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳар бир юртдошимиздан мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшашни талаб этади.

Мустақиллик — халқимизга озод ва фаровон ҳаёт, тинч-осуда турмуш, янги имкониятлар ва буюк келажак инъом этди. Эътиборлиси, халқимизнинг азалий орзу-истаклари, эзгу интилишлари Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикасининг муқаддас давлат рамзлари — Байроқ, Герб, Мадҳия халқимизнинг шон-шавкати, маънавий-маданий мероси, миллий анъана ва қадриятлари, ор-номуси, ғурури, тарихий хотираси ва орзу-интилишларини ўзида мужассам этган.

Бундан роппа-роса 22 йил муқаддам — 1992 йил 2 июлда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган эди. Мазкур Қонунда Давлат герби мустақиллигимиз рамзларидан бири экани ҳуқуқий асосда мустаҳкамлаб қўйилиши билан бирга, унинг қандай кўринишга эгалиги яққол ифодалаб берилди. Шу санадан эътиборан, Давлат герби тасвири мамлакатимиздаги барча давлат ва жамоат ташкилотлари биноларига ўрнатилди. Шунингдек, олий рамзимиз тасвири муҳрларда ва давлат идоралари сарварақларида, расмий нашрларда, қоғоз ва танга пулларда, қимматли қоғозлар ва фуқаролар паспортида ҳамда қонунда белгиланган бошқа ўринларда акс эттирилди.

Давлатимиз гербида халқимизнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз ифодасини топган. Унда тоғлар, дарёлар ва бир томони буғдой бошоқларидан, яна бир томони эса чаноқлари қийғос очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочаётир.

(Давоми 2-бетда).

## Ашкелонда «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг тақдимоти

*Яқинда Исроилнинг Ашкелон шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг “Соғлом бола йили” Давлат дастури тақдим этилди.*

БИЗ ВА ЖАҲОН

Бўлиб ўтган тақдимот маросимида унинг қатнашчиларига мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни интеллектуал, маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора-тадбирлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Шунингдек, тадбир доирасида ўзбек ёшларининг ҳаёти ва фаолияти мавзуига бағишланган суратлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Тақдимот маҳаллий ижодий жамоаларнинг Исроил миллий рақси ҳамда ўзбек халқ миллий чолғу асбобларининг ноёб имкониятларини намоён этган концерт дастури билан якунланди.

**Ашкелон шаҳар мэрининг ўринбосари А. Султанович** “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида мазкур тадбир шаҳар жамоатчилигининг кўплаб вакилларига мустақил Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти ҳамда республикада олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг натижалари билан яқиндан танишиш имкониятини яратиб берганини қайд этди.

**“Шуву” иқтидорли болалар мактабининг директори А. Шилькрут** эътироф этганидек, Ўзбекистонда юксак билимли ва баркамол авлодни вояга етказиш биринчи даражали вазифа сифатида белгилангани катта эътиборга моликдир. “Мамлакатингизнинг бу борадаги тажрибаси, хусусан, таълим тизимидаги миллий модел бизда ҳам катта қизиқиш уйғотди”, деди у.

**“Барзилай” тиббиёт марказининг болалар жарроҳлиги бўлими маслаҳатчиси А. Книжник** эса Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар миллат генофондини асраш ва уни яхшилашга ҳамда аҳолининг турмуш тарзи сифати ва ҳаёти давомийлигини узайтиришга қаратилганлиги диққатга молик жиҳат эканлигини алоҳида таъкидлади.

**«Жаҳон» АА.**
Тель-Авив

## Қисқа сатрларда

● “Ўзбектуризм” Миллий компанияси, Республика илмий-ўқув консалтинг маркази ва Германиянинг “DVV International” халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида “Ресторанда хизмат кўрсатиш: официант” лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳа доирасида Тошкент, Самарқанд ва Хива шаҳарларидаги меҳмонхона ресторанлари ходимлари ҳамда сайёҳлик касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида семинар-тренинглар ўтказилди.

● **Тошкент шаҳрида “Таҳлилий журналистика: назария, амалиёт ва услублар” мавзуида семинар-тренинг ташкил этилди. Унда таҳлилий материаллар тайёрлашнинг ўзига хослиги ва услублари, журналистик текширув олиб бориш мавзуларида маърузалар тингланди.**

● Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида “Талаба-ёшлар ижодиёти” фестивали якуни бўлиб ўтди. Тадбир доирасида институтнинг бу йилги битирувчиларига тантанали равишда диплом топширилди. Жорий ўқув йилида мазкур институтнинг магистратура босқичини 35 нафар, бакалавриатни 468 нафар йигит-қиз битирди.

● **Андижон давлат университетида ташкил этилган ўқув-семинари миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга бағишланди. Унда Республика Маънавият тарғибот марказининг водий вилоятларидаги туман ва шаҳар бўлимлари раҳбарлари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



*Мамлакатимиз аграр тармоғида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми, балки уларни қайта ишлаш саноати ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Бундай саъй-ҳаракатларнинг нечоғли самара бераётгани, пировардида халқимиз турмуш даражаси юксалиб бораётгани шу йилнинг июнь ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзуидаги халқаро конференция иштирокчилари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди.*

КИЧИК БИЗНЕС

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 12 минг 473 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётган бўлса, уларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланмоқда. Самарқанд шаҳридаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Агро-Браво” МЧЖ корхонаси — ана шулардан бири.

Таъкидлаш жоизки, дастлабки пайтда бу ерда 10 нафар ишчи меҳнат қилиб, кунига атиги 300 литр сут қайта ишланиб, 4-5 хил маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги кунда ишчилар сони 100 нафардан, қайта ишланаётган сут ҳажми бир кеча-кундузда 30-35 тоннадан, тайёрланаётган маҳсулот тури 50 дан ошди. Эътиборлиси, қатиқ, сут, сметана, қаймоқ, йогурт, қуруқ сут, қуюлтирилган сут, сариёғ каби маҳсулотлар республикамиз ҳудудларидаги савдо шохобчаларида сотилмоқда. Шунинг ўзиёқ корхона маҳсулотларининг сифати юқорилигидан дарак бериб турибди.

(Давоми 2-бетда).

# Ягона интерактив давлат хизматлари портали

## турмуш сифатини яхшилашда алоҳида ўрин тутади

*Бундан бир йил муқаддам 1 июль куни Ягона интерактив давлат хизматлари портали my.gov.uz манзилида ўз фаолиятини бошлаган эди. "Электрон ҳукумат" тизимининг мазкур механизми асосида ҳамюртларимиз учун кўплаб қулайликлар тақдим этилди. Шу асосда вақт, масофа, сарф-харажатдан ютиш имконияти яратилди. Бу эса аҳоли ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада оптималлаштиришга йўналтирилгани билан долзарбдир.*

ИСЛОҲОТ

Ўтган давр давомида кенг кўламли лойиҳалар амалга оширилгани шундай дейишимизга асосдир. Жумладан, 500 дан зиёд давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар ушбу порталга уланди. Турли соҳаларни қамраб олган 200 хилдаги интерактив хизматлар жорий қилинди. Давлат органлари раҳбарлари қабулига ёзилиш, давлат органларида мавжуд бўш иш ўринлари учун маълумотномаларни юбориш, биометрик паспортни олиш юзасидан ариза юбориш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда баъзи бир рухсат бериш жараёнларини амалга оширишнинг онлайн тизимлари омма эътиборига ҳавола этилди. Булар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси маълумот берди.

Ўз навбатида, Ягона порталдан фойдаланиш бўйича давлат органлари масъуллари учун ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, қўлланмалар ишлаб чиқилди, ўқувлар йўлга қўйилди. Аҳоли мурожаатларини олиш, қайта ишлашнинг марказлашган тизими татбиқ қилиниб, унинг ёрдамида кўриб чиқиш муддатлари ва сифатини назорат қилиш, мониторингини йўлга қўйиш имкони пайдо бўлди.

Пировардида шу пайтгача келиб тушган 20 мингта мурожаатнинг қарийб асосий қисмига ваколатли давлат идоралари томонидан жавоб йўлланган бўлса, қолгани кўриб чиқиш жараёнида. Таҳлиллар аҳолининг 85 фоизи давлат органлари жавобини электрон почта орқали олишни афзал кўришини кўрсатаётгани ҳам диққатга сазовор.

Ҳозирги кунда мурожаат йўллаш, меҳнат стажи тўғрисидаги архив маълумотномасини олиш, тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш учун онлайн ариза юбориш, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида жорий қилинган синов лойиҳа — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун биометрик паспорт олишда онлайн ариза юбориш Ягона порталдаги энг кенг фойдаланилаётган хизматлардир.

Энг кўп мурожаат юборилган ташкилотлар сифатида Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Марказий банк, "Ўзархив" агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Хизматдан қаноатланиш даражаси бўйича энг юқори баҳо олган ташкилотлар қаторида эса Давлат статистика қўмитаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, "Ўзвиносаноат-холдинг" холдинг компанияси бор. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддати бўйича энг олди бешталикдан эса Марказий банк, Электр энергетика назорати бўйича Давлат инспекцияси, "Ўзархив" агентлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ўрин олган. Бу борада қолоқликка йўл қўяётган айрим маҳаллий ҳокимлик ва давлат ташкилотлари ҳам йўқ эмас. Уларнинг соҳадаги фаолиятини янада такомиллаштириш лозим.

Айни пайтда my.gov.uz ишбилармонларни қўллаб-қувватловчи электрон енгилликларни амалиётга татбиқ этишга катта эътибор қаратмоқда. Чунончи, 2014 йилдан бошлаб у ерда тадбиркорлик фаолиятини рўйхатга олиш хизмати жорий этилди. Ўз навбатида, ишбилармонлар ўз ҳақ-ҳуқуқлари бузилган, тўсиқларга дуч келган, ишларига асоссиз равишда аралашиш юз берган ҳолатларда Ягона портал орқали Вазирлар Маҳкамаси, адлия органларига мурожаат қилишлари мумкин.

Бундан ташқари, фуқаролар Ягона порталнинг "Call-center" маълумотлар хизмати ("1060" рақами) орқали қўнғироқ қилиб, ариза, таклиф ва шикоятларини давлат органларига юборишмоқда. Мазкур усулда хизмат кўрсатиш бепул бўлиб, қўнғироқ қиймати абонентнинг шаҳар телефонларига чиқиш тарифи нархларида белгиланган. Эътиборлиси, "Call-center" орқали бир йил мобайнида 7630 та сим қоқиш кузатилди ва давлат органларига қарийб 1250 аҳоли мурожаатлари жўнатилди.

Шунингдек, Ягона интерактив давлат хизматлари портали фаолияти сифатини ошириш мақсадида янги ташаббуслар рўёбга чиқарилаётир. Мисол учун, "Архив маълумотларини онлайн тақдим қилиш", "Судланганлик ёки судланмаганлик тўғрисидаги маълумотни онлайн тақдим этиш" оммабоп хизматлари йўлга қўйилди. Бинобарин, ижтимоий тармоқларда ҳам ушбу портал оммалашиб, одамлар бир-бирларига давлат органлари фаолиятига дахлдор турли масалаларни ҳал қилишда порталдан фойдаланишни маслаҳат беришмоқда.

Ягона порталнинг "Мулоҳазалар" бўлимига эса бундай қулайликдан миннатдор бўлиб, фикр йўллаётганлар сони ҳам ошиб бораётгани диққатга сазовор. Уларнинг иккитасига эътиборингизни қаратамиз.

*— Мен Ягона порталнинг бекаму кўст имкониятларидан биринчи маротаба ҳайратланаётганим йўқ, — деб ёзиб қолдирган улардан бири. — Портал ёрдамида табиий газ, электр энергияси, чиқиндихоналар, ёнилғи, ичимлик суви каби масалалар юзасидан камчиликларни бартараф қилдим. Мана, энди у йўлда ҳам, ишда ва уйда ҳам яқин кўмакчим.*

*— Муаммони ўз вақтида ҳал қилишгани учун катта раҳмат, — дея муносабат билдирган яна бир фойдаланувчи. — Эътирозим йўқ. Икки йилча аввал қувурларни алмаштириш чоғида иситиш тизимида юзага келган муаммо масъул ташкилотга юборган мурожаатимдан кейин, саноқли соатлар ичида ижобий ҳал этилди. Бу уйда менинг бобом ва бувим истиқомат қилишади. Уларнинг миннатдорчилигининг чеки йўқ.*

Албатта, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис Ягона портални изчил такомиллаштириб бориш давр тақозосидир. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони муҳим пойдевордир. Унга биноан, жорий йилда яна қатор янги хизматлар тақдим этилиши кўзда тутилган эди. Масалан, тадбиркорлик субъектлари коммунал хизматларга оид юзага келадиган муаммолар, хусусан, сувнинг кучсиз босими, иссиқ сувнинг паст ҳарорати, электр энергияси ва газнинг огоҳлантиришларсиз узиб қўйилиши, сув оқова муаммоси ёки чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетилмаслиги билан боғлиқ масалаларда шикоятларни йўллаш имконига эга бўлдилар.

Мухтасар айтганда, бундай ижобий ўзгаришларнинг барчаси инсон ва унинг манфаатларини тўла рўёбга чиқариш, юрт равнақи, аҳоли турмуш сифати ҳамда фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

---



МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Эндигина фаолиятини бошлаган "Наманган тўқимачи" МЧЖ юқори даражадаги ишлаб чиқариш қувватлари билан вилоят енгил саноатидаги салоҳиятли корхоналар сафидан мустаҳкам ўрин олди.*

## Дастлабки экспорт амалиёти

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 688 минг АҚШ долларига тенг инвестиция йўналтирилди. Замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган корхонада йилига 6000 тоннагача калава ип тайёрлаш мумкин. Айни пайтда бу ерда 500 дан зиёд киши меҳнат қилаётир. Корхонада тайёрланган маҳсулотнинг асосий қисми эса экспортга мўлжалланмоқда. Жумладан, ўтган даврда ишлаб чиқарилган 3600 тонна маҳсулотнинг 800 тоннаси хорижга жўнатилиб, дастлабки экспорт амалиётлари бажарилди.

— Жорий йилнинг биринчи ярмида юзга яқин корхонада янги қувватлар ишга туширилди, — деди Наманган вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси бўлим бошлиғи Акмалжон Асқаров. — Уларнинг аксарияти юқори унумли технологик воситалар билан жиҳозланган бўлиб, бу корхоналарда 10 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаш имконини берди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Туманда йигирма биринчи қўшма корхона иш бошлади

*Данғара тумани — Фарғона вилоятининг энг жозибадор инвестиция муҳити қарор топган ҳудудларидан бири саналади.*

Айни пайтда бу ерда 20 дан зиёд хорижий инвесторлар сармояси асосида ташкил этилган қўшма корхоналар фаолият кўрсатаётгани бунинг яққол далилидир. Ўтган йили улар томонидан 35 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Яқинда улар сафига "Бурсал шуес" корхонаси ҳам қўшилди. Умумий инвестиция қиймати 1 миллион АҚШ долларига тенг корхона, асосан, спорт пойабзаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхонанинг илк маҳсулотлари аллақачон савдо расталаридан ўрин эгаллаб улгурди.

**Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Гулнора моҳир тикувчи бўлмоқчи

*Ғиждувонлик коллеж битирувчиси Гулнора Фатуллаева моҳир тикувчи бўлмоқчи. Яқинда у шу мақсад йўлида дастлабки қадамни ташлади.*

Гап шундаки, қизиқишларини илғаган "Ғиждувон-чевартекс" МЧЖ жамоаси уни ишга қабул қилди. Тадбиркор аёл З. Сафарова саъй-ҳаракати билан ташкил этилган ушбу корхона замонавий тикув машиналари билан тўлиқ жиҳозланган. Бу ерда тайёрланаётган ҳар хил маҳсулотлар қисқа муддат ичида нафақат Бухоро, балки қўшни вилоятларда ҳам ўз харидорларини топди. Айни чоғда ушбу корхонада 51 нафар чевар қиз меҳнат қилмоқда. Эндиликда уларнинг сафида орзулари порлоқ Гулнора ҳам бор.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Ғурур ва ифтихор рамзи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Гербнинг юқори қисмида истиқлолимизни ифода этувчи саккизбурчак — мусамман, унинг ички қисмида яримой ва юлдуз ўз аксини топган. Гербимиз марказида бахт ва эркесеварлик, саодат ва ҳиммат, олижаноблик ва омад тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қуши қанотларини ёзиб, парвозга шайланиб турибди. Пастки қисмида юртимиз Давлат байроғини ифода этувчи чамбар тасмасига "Ўзбекистон" деб ёзиб қўйилган.

Мамлакатимизда давлат рамзлари, шу жумладан, Давлат герби ҳам қонун билан муҳофаза қилинади. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги Қонунда белгиланганидек, Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда яшаб турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўтган йилларда барча давлатимиз рамзлари қатори гербимиз ҳам ҳаётимиздан чуқур ўрин эгаллаб, юртдошларимиз учун ифтихор тимсолларидан бирига айланди. Зеро, Ватанимиз герби унинг ўзи каби азиз ва муқаддасдир.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ.**

# Пластик ашёдан сифатли маҳсулотлар

*Ширин шаҳридаги "Ҳақиқат" корхонаси эшик-ромлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиргач, буюртма берувчилар янада кўпайди.*

ҚУЛАЙЛИК

Боиси мазкур замонавий қурилиш жиҳозлари бир қатор афзалликларга эга. Хусусан, пластик ашёдан тайёрланадиган эшик-деразалар юқори иссиқлик ва совуқ об-ҳавога чидамли ҳамда экологик жиҳатдан зарарсиз. Шунингдек, хонада бир хил ҳароратни сақлаш хусусияти бор. Икки қаватли ойналар оралиғидаги вакуум ҳолати эса уларни намланишдан сақлайди. Бундай эшик-ромлар шовқин ўтказмайди.

— Пластик эшик ва дераза ромларини республикамизда ишлаб чиқарилган ускуналар ёрдамида тайёрлаяпмиз, — деди масъулияти чекланган жамият раҳбари Илҳом Зокиров. — Айтиш лозимки, улар хорижникидан қолишмайди. Муҳими, хом ашёнинг бир қисмини ўзимизнинг корхоналардан олаяпмиз.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 1 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2180,54 | 1 Россия рубли | 68,87 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3943,68 | 1 Украина гривнаси | 195,91 |
| 1 Дания кронаси | 423,98 | 1 Малайзия ринггити | 721,80 |
| 1 БАА дирҳами | 630,67 | 1 Польша злотийси | 760,75 |
| 1 АҚШ доллари | 2316,27 | 1 СДР | 3576,60 |
| 1 Миср фунти | 323,95 | 1 Туркия лираси | 1091,29 |
| 1 Исландия кронаси | 20,53 | 1 Швейцария франки | 2600,51 |
| 1 Канада доллари | 2170,62 | 1 евро | 3151,52 |
| 1 Хитой юани | 373,22 | 10 Жанубий Корея вони | 22,90 |
| | | 10 Япония иенаси | 228,65 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

---

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Табиийки, ушбу муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ. Бунда жамоанинг изланиши, модернизациялаш тадбирларини изчил олиб бораётгани айни муддао бўлмоқда. Хусусан, 2010 йилда 1,5 миллиард сўмлик модернизациялаш ишлари амалга оширилиб, бир кунда 3-4 тонна қуруқ сут ишлаб чиқарадиган линия ишга туширилган бўлса, бир йилдан сўнг кунига 2 тонна қуюлтирилган сут тайёрлаш қувватига эга, қиймати 300 минг АҚШ долларилик линия фойдаланишга топширилди. Ўтган йили эса бир миллион евро миқдоридаги янгилаш ишлари бажарилгач, жамоа музқаймоқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий дастгоҳларга ҳам эга бўлди.

— Бу ишларнинг бари фақат банк кредити ҳисобидан амалга оширилмоқда, десак, вазиятга бир томонлама баҳо берган бўламиз, — деди корхона раҳбари Алишер Раҳматов. — Гап шундаки, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги қарори асосида тадбиркорларга солиқ тўловидан имтиёз берилгани ва иқтисод қилинган маблағни модернизациялашга сарфлаш имконияти яратилганлиги бу борада бизга қўл келмоқда. Биргина мисол. 2012 йилда 169 миллион сўмдан зиёд, 2013 йилда 342 миллион сўмдан ортиқ маблағ корхона ихтиёрида қолди. Ўз навбатида, ушбу маблағлар янги асбоб-ускуналарни харид қилишга йўналтирилди.

Дарҳақиқат, корхона аҳли тараққиёт йўлидан дадил бормоқда. Хусусан, 2012 йилда 8 миллиард 130 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 1 миллиард 300 миллион сўм даромад олинган бўлса,

2013 йилда 14 миллиард 278 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, соф фойда 2 миллиард сўмни ташкил этди.

Яна бир гап. Яқингача корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қадоқлайдиган идиш ва қутилар бошқа ҳудуддан келтириларди. Эндиликда эса шу ернинг ўзида картон қутилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, шу кунларда пластмаса идишлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш устида ҳам иш олиб борилмоқда. Бу яна 15 киши иш билан таъминланади, дегани.

Қисқаси, юртимизда, шу жумладан, Самарқанд вилоятида "Агро-Браво" каби ривожланиш сари юз тутаётган корхоналар кўплиги қувонарлидир. Зотан, ана шундай тадбиркорлик субъектлари сони ортгани сари мамлакат иқтисодиёти жадал ривожланиб, ҳаётимиз бундан-да фаровон бўлиб бораверади.



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Шартномавий-ҳуқуқий интизом — қонун талаби

*Мамлакатимизда эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилиши натижасида мулкдорлар сафи тобора кенгайиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида йирик қувватлар кўпаймоқда. Албатта, бунда бозор муносабатларининг ҳуқуқий асослари изчил такомиллаштириб борилаётгани, шартномавий-ҳуқуқий муносабатларда тадбиркорларга яқиндан кўмак берилаётгани муҳим аҳамият касб этётир.*

НАЗОРАТ

Маълумки, тадбиркорлик фаолиятида шартномавий муносабатлар алоҳида ўрин тутади. Умуман олганда, эркин бозор муносабатларининг асосий шарти, бу — субъектларнинг тенг ҳуқуқлилигидир. Тарафлар ўртасида шартномалар тузиш мазкур тенгликка сўзсиз риоя этилишини таъминлайди.

Томонларнинг ўзаро манфаатдорлиги ва мулкий жавобгарлигини белгилаб берувчи хўжалик шартномаларини тузиш ва бажариш билан боғлиқ жараёнлар "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни орқали тартибга солинади. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳам бу борада дастуриламал бўлмоқда. Бундан кўринадики, мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатларни тартибга солиш бўйича зарур ҳуқуқий базанинг шакллангани тадбиркорларимизнинг муносиб шароитда унумли фаолият кўрсатишига хизмат қилаяпти. Соҳага оид қонунчилик талабларининг бажарилишида, шартномавий-ҳуқуқий интизомни мустаҳкамлашда адлия органлари томонидан зарур чора-тадбирлар кўрилаётир.

Жорий йилнинг биринчи чорагида жойлардаги адлия органлари хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида 497 мингдан зиёд шартномалар тузилишида ҳуқуқий ёрдам кўрсатди. Тузилган шартномаларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги назорат қилинганида, шартномалар тузиш бўйича 28,7 мингта, шартномалар бажарилиши бўйича 34,5 мингта қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Мазкур ножўя ҳаракатларни бартараф этиш юзасидан кўрилган тадбирлар натижасида уч мингта шартнома қайта тузилди, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг 44 қарори ҳамда ҳужжати бекор қилинди.

Фарғона вилояти адлия бошқармаси ходимлари Ўзбекистон туманидаги пахта тозалаш корхонаси фаолиятини ўрганишганида, айрим мансабдор шахсларнинг хўжалик шартномаларини бажаришда қонунбузилишларга йўл қўйгани аниқланди. Айбдор шахсларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш юзасидан ваколатли идораларга таклифлар киритилди.

Айни пайтда иқтисодиётимиз таянчига айланган, қишлоқ хўжалиги ривожида етакчи куч ҳисобланган фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, хўжалик шартномалари тузиш ва ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалаларда уларга кўмаклашиш ҳам доимий эътиборимизда турибди. Шу йилнинг дастлабки уч ойида айнан фермер хўжаликларининг қонуний манфаатини кўзлаб давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларга 881 тақдимнома ҳамда огоҳнома киритилди. Натижада фермерларга 34,6 миллиард сўм миқдорида пул маблағлари тўлаб берилди.

Жиззах вилояти адлия бошқармаси "Адҳам" фермер хўжалиги мурожаатини ўрганиш асносида "Дўстлик пахта тозалаш" очиқ акциядорлик жамияти хўжалик топширган пахта хом ашёси учун ҳақ тўлашда сансалорликка йўл қўйганини аниқлади. Шунга кўра, Жиззах вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритилиб, суднинг 2014 йил 17 мартдаги ҳал қилув қарори асосида жавобгардан фермер хўжалиги фойдасига 92,8 миллион сўм асосий қарз ҳамда 5,9 миллион сўм пеня ундириб берилди.

Хулоса ўрнида айтганда, бугунги кунда адлия органлари жойларда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш бўйича изчил иш олиб бормоқда. Истиқболда уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ўз ҳуқуқ-манфаатларини ишончли ва қатъий илгари суриш борасида кўникмаларини мустаҳкамлаш кўзланган мақсадга эришишда айни муддао бўлади.

**Аъзамжон САРАБЕКОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи.**



Сурхондарё: Шўрчи туманидаги "Шўрчи мебель ишлаб чиқариш" корхонаси фаолияти кенгайиши ҳисобига ўн нафар коллеж битирувчиси ушбу жамоага ишга қабул қилинди.

ДАСТУР ИЖРОСИ — АМАЛДА

*Юртимиз азалдан ўзининг сархил мевалари, ширин-шакар полиз ва сабзавот маҳсулотлари билан машҳур. Серқуёш заминимизда етиштирилаётган ушбу неъматлар таъми ҳамда фойдали витаминларга бойлиги билан ҳам ажралиб туради.*

# Ташаббус ва интилиш самараси

Таъкидлаш жоизки, деҳқонларимиз бундай маҳсулотларни нафақат парваришлаш, балки сақлаш, халқимиз дастурхонига узлуксиз етказиб бериш борасида ҳам омилкор. Бу тажриба яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзуидаги халқаро конференцияда алоҳида таъкидланди.

— Ушбу йўналишдаги ишлар Оролбўйида ҳам жадал ривожланмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг деҳқончилик бўлими мутахассиси А. Камолов. — Жорий йилда ҳудудда 21 лойиҳа асосида умумий сиғими 2700 тонналик замонавий музлаткич-омборхона қуриш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг бир нечтаси фойдаланишга топширилди. Бунда молия муассасалари томонидан Кегейли туманидаги “Кегейли холод” масъулияти чекланган жамиятига 250 миллион сўм, Элликқалъа туманидаги “Гулдурсинсавдо” масъулияти чекланган жамиятига 100 миллион сўм миқдорида кредит ажратилгани муҳим омил бўлди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 ноябрдаги қарорига биноан, жорий йилда 16 минг 695 гектар майдонда сабзавот, 6 минг 768 гектар ерда картошка, 11 минг 618 гектар пайкалда полиз экинлари парваришланмоқда.

Ҳудудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни арзон нархларда истеъмолчиларга етказиб бериш ҳақида гап кетганда, хўжайлилик тажрибали деҳқон Рабиға Жумамуратованинг фаолияти алоҳида тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки у раҳбарлик қилаётган “Еркин Кенегес” агрофирмасида етиштирилган маҳсулотлар, мана, бир неча йилдирки, “Хўжайли деҳқон бозори” акциядорлик жамияти билан тузилган шартномага мувофиқ, аҳолига арзон нархларда сотилаяпти. Ўтган йили олинган фойда ҳисобидан эса полиз ва сабзавот экинлари кўчатлари ҳам шу ерда етиштирилаётир. Яна бир янги йўналиш — асаларичилик йўлга қўйилган. Эрта баҳорда эса 110 туп турли мевали дарахтлар кўчати ўтқазилиб, боғ яратилди.

Дарҳақиқат, бугун Қорақалпоғистон Республикасида бундай ташаббускор боғбонлар кўп. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 13 мартдаги “2013 — 2015 йиллар даврига республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, шу давр мобайнида жами 900 гектар майдонда янги токзорлар барпо этиш, 164 гектарлик эски токзорларни қайта тиклаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилгани, жорий йилнинг ўзида 300 гектар майдонга 360 минг туп ток кўчати қадалгани, 104 гектар ҳудудда маҳаллий, 37 гектар ерда интенсив боғ ташкил этилгани инобатга олинса, соҳибкорлар сафи тобора кенгайиб бораётгани аён бўлади.

— 6,5 гектарлик боғимиз мавжуд, — дейди Хўжайли туманидаги “Абдураҳмон-Алибек-Хўжайли” агрофирмаси раҳбари Жумамурот Ўтемуратов. — Айни пайтда пишиб етилган ширин-шакар меваларнинг бир қисмини Тахиатош шаҳридаги фахрийлар санаторийсига, 1-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига хайрия тариқасида тақдим этаяпмиз. Бу борадаги ишларимизни ривожлантириш мақсадида жорий йилда боғимизга яна 200 туп тезпишар ва серҳосил мевали дарахт кўчатларини қададик.

Шу кунларда қорақалпоғистонлик боғбон ва деҳқонлар жорий йилги ҳосилни йиғиштириб олиш билан банд. Улар томонидан ҳозирги кунгача аҳоли дастурхонига қарийб 875 тонна сабзавот, 90 тонна мева етказиб берилди. Буларнинг бари мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалдаги самарасидир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ИЗЛАНИШ

*Қизилтепа туманидаги “Аква Тўдакўл” қўшма корхонасида Африка лаққа балиғини кўпайтириш йўлга қўйилди. Бунинг учун замонавий технологиялар билан жиҳозланган иккита инкубация цехи ташкил этилди.*

# Тўдакўлда Африка балиғи парваришланмоқда

Корхона мутахассисларининг таъкидлашича, мазкур балиқ тури йилига 3 маротаба кўпайиб, қисқа муддатда етилади. Қолаверса, унинг гўштидан тайёрланган парҳез таомлар хуштаъмлиги билан ажралиб туради. Ҳозир корхонага қарашли Тўдакўл сув ҳавзасида энг илғор технологиялар асосида ўнга яқин турдаги, 12 мингдан ортиқ балиқ чавоқлари парваришланмоқда.

— Жамоамизда 80 га яқин киши меҳнат қилаяпти, — дейди қўшма корхона директори Фарҳод Пўлатов. — Улар сафини кенгайтириш мақсадида яқинда 15 нафар коллеж битирувчиси билан уч томонлама шартнома имзоладик. Келгусида ички бозорга парҳезбоп маҳсулотлар етказиб бериш ҳажмини кўпайтиришни режалаштираяпмиз.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш — устувор вазифа

*Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилган “Сурхондарё вилоятининг экологик номақбул ҳудудларида болалар соғлиғи кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини амалга ошириш” лойиҳасига кўра, икки кунлик семинар ташкил этилди.*

СЕМИНАР

“Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида уюштирилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Экоҳаракат фаоллари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари, экология ва тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган ННТ вакиллари, шифокорлар, лойиҳа ижрочилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, мазкур семинардан кўзланган мақсад ихтисослаштирилган тиббий илмий текшириш институтлари мутахассисларини жалб этган ҳолда, Сурхондарё вилоятининг трансчегаравий саноат ташланмалари таъсиридаги экологик номақбул ҳудуд аҳолисини малакали тиббий кўрикдан ўтказиш, ташхис қўйиш ва уларни даволаш ишларини амалга оширишдан иборат.

— Шу билан бирга, лойиҳамизда қишлоқ врачлик пунктларини энергия билан таъминлаш учун қайта тикланувчи энергия қурилмалари, қуёш станциялари ва коллекторлар ўрнатиш ҳам кўзда тутилган, — дейди унинг ижрочиси Ислом Хушвақтов .— Шунингдек, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш ва даволашда зарур бўладиган тиббий анжомлар келтирилган.

Тадбирнинг дастлабки куни пойтахтдан келган малакали шифокорлар Денов туманидаги “Ўзбекистон — 1” қишлоқ врачлик пунктида бўлиб, ҳудудда яшовчи 63 нафар кишини тиббий кўрикдан ўтказиб, даволаниш учун йўлланмалар беришди.

— Ёшим 75 да, — дейди Ҳикматой момо Элбекова. — Бугун биз, аёллар ва азиз дилбандларимиз саломатлиги давлат муҳофазасида, Юртбошимизнинг ғамхўрлиги ва эътиборидадир. Қишлоғимиздаги ҚВП — шаҳар шифохоналаридан сира қолишмайди. Барча тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Мен сурункали холецистит касаллигидан азият чекардим. Пойтахтдан келган тажрибали шифокорлар касаллигимни бир зумда аниқлаб, ташхис қўйишди. Дори-дармон беришди.

Лойиҳа ижрочилари семинарнинг иккинчи куни, шунингдек, Сариосиё туманидаги “Бобур”, Узун туманидаги “Янгиобод” қишлоқ врачлик пунктларида ҳам аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишди, ҚВПлардаги шарт-шароитларни яхшилаш борасида тадбирларни амалга оширишди.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

**«KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан 2013 йил 2 декабрдаги 1-3429/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 6-уйда жойлашган, умумий майдони 67,74 кв.м., тураржой майдони 41,75 кв.м.дан иборат бўлган 3 хонали 37-хонадон (тураржой) қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 120 312 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 8 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

994R/562

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

Хизматлар лицензияланган.

**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан 2011 йил 27 декабрдаги 2-204/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ***бошланғич баҳоси 310 444 778 сўм*** бўлган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Матқобулов» ҚФЙ, Арча тор кўчаси, 9-уйда жойлашган, 9 хона, 2 та ошхона, 2 та ҳаммом, омборхонадан иборат, умумий майдони 485,90 кв.м. ва ҳовли 607,10 кв.м. бўлган уй-жой ва 4707/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ***бошланғич баҳоси 252 091 979 сўм*** бўлган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Байтқўрғон» ҚФЙ, Буш ҳудудидаги 31«А» ва 31«Б» манзилида жойлашган, ер майдони 1284,0 кв.м.дан иборат 6 та хона, ошхона, ҳаммом ва ҳожатхонадан иборат дала-ҳовли қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2014 йил 22 июль куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.**

996R/1091

**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига ОАТБ «Agrobank»нинг 2014 йил 23 июндаги 14-24/226-сонли хатига асосан, ***бошланғич баҳоси 221 440 000 сўм*** бўлган, Тошкент вилояти, Пскент тумани, «Ўзбекистон» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 687,5 кв.м., шу жумладан, ишлаб чиқариш (иншоотлар) майдони 634,14 кв.м. бўлган томат ишлаб чиқариш биноси ва ***бошланғич баҳоси 927 761 000 сўм*** бўлган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Боку кўчаси, 179-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 869,0 кв.м., қурилиш ости майдони 568,0 кв.м., фойдаланиш майдони 719,36 кв.м. (0001-маъмурий бино, 0002-соғломлаштириш мажмуаси) бўлган шоколад маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ва базаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2014 йил 4 август куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан талабгорлар мулк эгалари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.**

997R/1091

**«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ**

**мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Бухоро шаҳар Суд департаменти томонидан Бухоро вилояти хўжалик судининг 2011 йил 15 мартдаги 20-1010/514769-сонли ажримига асосан, фуқаро Хусейнов Муин Мубиновичга тегишли бўлган, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 46/6-уйда жойлашган 12-сонли тураржой коттежи қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 166 894 000 сўм.***

Ушбу мулк бўйича савдолар 2014 йил 4 август куни соат 11.00 да ўтказилади.

Мазкур кўчмас мулк 2014 йил 4 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда унинг такрорий савдоси 2014 йил 18 август куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади.

Мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар савдо ташкилотчиси — «Shad savdo zamin» МЧЖга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

* юқорида кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза;

* савдо ташкилотчисининг ОАТБ «Ҳамкорбанк» Бухоро филиалидаги МФО: 00966, СТИР: 302097424, 20208000004935078002 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати асл нусхаси;

* талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси.

Мазкур мулк қуйидаги шарт асосида сотилади.

Харидор савдо ўтказилган кунда суд бошқарувчиси билан олди-сотди шартномасини имзолаб, шартномада белгиланган муддат ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши шарт.

Мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

995R/1090

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, «Shad savdo zamin» МЧЖ. Телефон: (8-365) 221-51-62.**

Хизматлар лицензияланган.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*“Евростат” (Европа Иттифоқи статистика хизмати)нинг ўтган йил якунлари бўйича эълон қилган ҳисоботида Италия Ўртаер денгизи минтақасидаги энг қиммат сайёҳлик йўналишига эга давлат сифатида қайд этилди.*

# Энг қиммат йўналиш



Ушбу мамлакатда дам олиш нархи “кўҳна қитъа”нинг бошқа жойларидаги ҳолат билан таққосланганда, 10 фоиз юқори экани маълум бўлган. Ўз навбатида, Европада саёҳат учун энг ҳамёнбоп жой сифатида Черногория келтирилган. Бу ерда ресторан ва меҳмонхоналар учун бошқа ҳудудлардагига нисбатан 37 фоиз камроқ маблағ сарфланаркан.

2013 йилда Европага туристлар келиши ўртача 5 фоиз ошган бўлса-да, Италияда бу борада 4 фоизлик пасайиш кузатилди. Мутахассисларнинг фикрича, ана шу ҳолатнинг келиб чиқиши нархларнинг қимматлиги билан ҳам боғлиқ.

# Фильм бюджетидан арзонга тушган парвоз

*Ҳиндистоннинг “PSLV” деб номланган ракета ташувчи космик кемаси ўтган куни Франция, Германия, Канада ва Сингапур давлатларига тегишли тўртта сунъий йўлдошни олиб, орбитага муваффақиятли кўтарилди.*



Ушбу парвозни амалга ошириш учун одатдагидан анча кам — 4,5 миллиард рупий (қарийб 73 миллион АҚШ доллари) миқдорида маблағ сарфланган. Айни шу жиҳат кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортмоқда ва эндиликда “PSLV”га “энг арзон ракета ташувчи” дея таъриф берилаяпти. Мамлакат бош вазири Нарендра Моди космик кемани учиришга кетган маблағ, ҳатто, 2013 йилда катта шов-шувга айланган “Гравитация” фильми бюджетидан кам эканига алоҳида урғу берди. Дарҳақиқат, АҚШ ҳамда Буюк Британия киноижодкорлари томонидан суратга олинган мазкур картинага деярли 100 миллион доллар йўналтирилган.

# Молиявий ёрдам кўрсатилади

*Еврокомиссия Болгария банк тизимини барқарорлаштириш учун 1,7 миллиард евро миқдорида маблағ ажратишга қарор қилди, дейилади “Евроньюс” телеканали хабарида.*



Гап шундаки, бундан тахминан ўн кунча муқаддам оммавий ахборот воситаларида мазкур мамлакатдаги энг йирик тўртта банкдан бири — “Corpbank” фаолиятида қандайдир муаммо пайдо бўлгани ҳақида хабарлар тарқатилди. Ушбу ҳолат, табиийки, аҳоли ўртасида саросима келтириб чиқарди ва қисқа фурсатда омонатчиларнинг катта миқдордаги пулларни қайтариб олгани кузатилди. Орадан кўп ўтмай худди шундай воқеа ҳудуддаги бошқа молия муассасалари фаолиятида ҳам рўй берди. Вазият мураккаблашишининг олдини олиш мақсадида Болгария ҳукумати зудлик билан Европа Иттифоқига мурожаат қилди.

Мамлакат расмийларининг таъкидлашича, Болгария ишончли банк тизимига эга. Фақат у ёлғон ахборот асосидаги жиноий ҳужум таъсирига дуч келди. Ҳозир ҳаммаси жойида, банклар ҳам одатий тартибда фаолият юритмоқда.

# Машҳур футболчига антиқа шарт қўйилди

*Буюк Британияда нашр этиладиган “The Daily Star” газетаси футбол бўйича Уругвай терма жамоаси ҳужумчиси Луис Суарес фаолияти давомида ҳамма билганидек учта эмас, саккиз нафар футболчини тишлаб олганини маълум қилди.*



Қайд этилишича, Суарес маҳаллий “Насьонал” жамоасида тўп сурган пайтидаёқ беш ўйинчига “ҳамла” қилган. Аммо мамлакат футбол федерацияси унинг келажакда халқаро жамоаларда тўп суришини инобатга олиб, бу ахборотни яширган.

Айни пайтда “Ливерпуль” жамоаси аъзоси Суаресга янада етакчи клублардан таклифлар тушмоқда. Жумладан, бу борада Испаниянинг “Барселона” жамоаси деярли келишувга эришган. Қизиқ жиҳати, тузилажак шартномада Суареснинг футбол майдонида бошқа ўйинчиларни тишлаши қатъиян ман қилинишини назарда тутувчи алоҳида банд киритилиши режалаштирилган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Чизма геометрия ва графика кафедраси катта ўқитувчиси

**Турсун УСМОНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшмаси қўмитаси Инглиз тили кафедраси ўқитувчиси Маҳмудахон Дадамуҳамедовага волидаи муҳтарамаси

**МАРҲАМАТ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Франция: Ёнилғисиз ҳаракатланадиган дунёдаги илк самолёт дастлабки парвозини амалга оширди. Унинг узунлиги 6,7, қанотлари эса 9,5 метрга тенг. Унда бир соат парвоз қилиш учун атиги 2 евро сарфлаш кифоя.

# Ўзбекистон Бранденбургдаги «Delicanto» халқаро маданий фестивалида

*Германия Федератив Республикасининг Бранденбург федерал ерида жойлашган Диедерсдорф қалъаси ҳудудида “Delicanto” халқаро маданий фестивали бўлиб ўтди. Тадбир Германия парламенти — Бундестаг томонидан мамлакатда фаолият кўрсатадиган маданий-гуманитар ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилди.*

ТАДБИР

Мазкур қалъа ҳудудидаги хиёбонда халқаро маданий анжуман иштирокчилари — дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакати элчихоналари, шу жумладан, Ўзбекистон дипломатия ваколатхонаси ўз халқи маданияти, анъаналари ва сайёҳлик соҳасидаги салоҳияти билан таништирувчи “чодирли мўъжаз шаҳарча” барпо этишди.

Ўзбекистон бўлмаси Германия жамоатчилигининг кўп сонли вакилларини мамлакатимизнинг тарихий ва замонавий тараққиёти, ўзбек халқ амалий санъати анъаналари ҳамда юртимизнинг сайёҳлик соҳасидаги бой салоҳияти билан яқиндан таништирди. Шунингдек, халқаро анжуманнинг иштирокчи ва меҳмонлари ўзбек миллий таомларидан, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги элчихонаси ходимлари томонидан тайёрланган байрам паловидан татиб кўриш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Ўзбекистон бўлмаси билан танишган халқаро анжуманнинг айрим қатнашчилари ўз таассуротларини “Жаҳон” ахборот агентлигининг мухбири билан ўртоқлашдилар.

**Бундестаг аъзоси Андреас Ян** Диедерсдорфда ўтказилган мазкур фестивалдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон вакилларига миннатдорлик изҳор этди.

— Ушбу анжуман турли мамлакатлар ва халқларнинг маданий анъаналари, пазандачилик санъати ва сайёҳлик соҳасидаги салоҳияти билан яқиндан танишиш имконини берди, — деди у. — Бой маданий меросга эга бўлган Ўзбекистоннинг ёрқин экспозицияси тадбирнинг кўп сонли иштирокчиларини қувонтирди. Германияда юртингизга бўлган қизиқиш катта, аминманки, ўзбек ва немис халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар янада ривож топади.

— Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон аҳлини тобора яқинлашиб келаётган қутлуғ миллий байрам — Мустақиллик куни билан чин дилдан муборакбод этар эканман, келажакда Ўзбекистон ва Германия ўртасида турли соҳаларда мавжуд бўлган самарали ҳамкорлик янада мустаҳкамланишига умид билдираман.

“Delicanto” халқаро маданий фестивали ташкилотчиларидан бири **Зигфрид Гелиас** Ўзбекистоннинг мазкур тадбирдаги иштироки унинг юртимиз ҳақидаги илиқ хотираларини яна ёдга солганини айтди.

— Юртингиз бўйлаб сафарим чоғида мен ўзбек халқининг дунёга машҳур тарихий обидалари ва маданий анъаналари билан танишдим, — деди у. — Халқингизнинг самимияти, одамларга бўлган дўстона муносабати ва меҳмондўстлигини асло унутмайман. Ўзбекистон элчихонаси томонидан тайёрланган юртингиз бўлмаси нафақат мамлакатингиз маданияти ва тарихи, балки мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳам ёрқин тасаввур уйғотади. Хусусан, 2014 йил Ўзбекистонда “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши ёш, мустақил республиканинг ўз келажагининг асосларини мустаҳкамлашга бўлган интилишини намоён қилади.

**Вьетнамнинг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси иккинчи котиби Хай Хоанг** ушбу анжуманни жаҳондаги турли халқларнинг ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва маданий мулоқоти байрами сифатида эътироф этиш мумкинлигини айтди.

— Мамлакатингизнинг мазкур тадбирда муносиб равишда иштирок этиши Ўзбекистоннинг кўҳна ва бой тарихга эга эканлигидан ҳамда унинг жаҳон саҳнасида тобора ортиб бораётган халқаро нуфузидан далолат беради, — деди у. — Ўзбекистон Вьетнам учун Марказий Осиёдаги ишончли ва истиқболли ҳамкорлардан бири ҳисобланади.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

## 2014 йил — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

*Маълумотларга қараганда, айни чоғда Тошкент вилоятидаги 1800 дан зиёд спорт иншоотларидан доимий фойдаланувчиларнинг салкам 300 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади.*

# Аёллар турнири

Шунинг ўзиёқ ушбу ҳудудда хотин-қизлар соғлиғини сақлаш, хусусан, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш борасидаги ишлар изчиллик касб этиб бораётганлигини кўрсатади.

Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежида анъанавий вилоят аёллар спорт фестивали бўлиб ўтди. “Соғлом бола йили” Давлат дастурига мувофиқ, тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган турнирда 378 нафар аёл спортнинг волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, дартс, сузиш ва гимнастрада йўналишлари бўйича баҳс олиб боришди.

— Мазкур спорт фестивалининг ҳудудий босқичларида ўтган галгилардан анча кўп — 4500 нафар уй бекаси қатнашди, — дейди вилоят хотин-қизлар қўмитаси масъул ходими Насиба Кулбекова. — Бу оилаларда, айниқса, аёллар орасида спортга бўлган рағбат кучайиб бораётганидан далолатдир. Вилоятимиздаги спорт тўгаракларининг 50 мингга яқин аъзоси 25 ёшдан ошган аёллар ҳисобланади.

Шиддатли ва қизиқарли беллашувларда фаол иштирок этган аёллардан бир гуруҳи қатор номинациялар бўйича рағбатлантирилди. Умумжамоа ҳисобида ғолиблик Бекобод шаҳридан келган спортсевар аёллар жамоасига насиб қилди.

Ғолиблар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Маданият хабарлари



Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейида ёш мўйқалам усталарининг “Гўзаллик ва олам” деб номланган ижодий ишлари кўргазмаси очилди.

## Нафосат оламига саёҳат

Соғлом бола йилига бағишлаб ташкил этилган ушбу кўргазмага қатор ижодий ташкилотлар вакиллари, санъатшунослар, мусаввирлар, санъат ихлосмандлари ҳамда талаба-ёшлар таклиф қилинди.

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда иқтидорли ёш ижодкорларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, юксак парвоз сари рағбатлантирилаётгани уларнинг халқаро танлов ва кўргазмаларда муваффақиятли иштирокида муҳим омил бўлмоқда. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари Мурод Темиров ва Ҳасан Умаровнинг ижодий ишлари намойиши ҳам навқирон авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

**Моҳира АДИЗОВА.**

## Маънавият сарчашмалари

Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида ташкил этилган маданий-маърифий тадбир “Маънавият сарчашмалари” деб номланди.

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида уюштирилган ушбу тадбир ғолибларини аниқлашда номоддий маданий меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Фестивалда Наманган вилояти мусиқали драма ва комедия театри, Наманган шаҳар “Ёр-ёр”, Янгиқўрғон тумани “Шодиёна” ансамбллари, шунингдек, “Наманган сеҳргарлари” халқ дорбозлар гуруҳи иштирокидаги мусиқий-композицион чиқишлар йиғилганларга ғоят манзур бўлди.

Фестиваль доирасида халқ амалий санъати ва бадиий ҳунармандчилик маҳсулотлари, миллий либослар кўргазмалари намойиш этилди.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**



# Фармацевтика соҳасида истиқболли лойиҳалар

дори-дармон таъминоти барқарорлигининг муҳим шартидир

*Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар тиббий хизматни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариб, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашда, оналик ва болаликни самарали муҳофаза қилишда муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, аҳолини сифатли, кафолатланган дори воситалари билан таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил давом этаётир. Албатта, бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонуни мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаяпти.*

АНЖУМАН

Пойтахтимизда “Ўзфармсаноат” давлат-акциядорлик концерни томонидан ўтказилган матбуот анжумани Ўзбекистон Республикасидаги илмий тадқиқот муассасаларида янги субстанция ва дори препаратларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирларига бағишланди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг истиқболли йўналишларидан бири — фармацевтика саноати жадал суръатда ривожланиб бормоқда. Мустақилликнинг илк йилларида республикамизда атиги иккита корхона дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш билан шуғулланган бўлса, бугунги кунга келиб, бундай хўжалик юритувчи субъектлар сони 140 тадан ошди. Уларнинг 17 таси ўз маҳсулотларини экспортга чиқармоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рўйхатга олинган асосий дори воситалари сони 2014 йил ҳолатига кўра, 384 тани ташкил этса, уларнинг 168 тасини истеъмолчиларга айнан маҳаллий корхоналар етказиб бераётгани қувончлидир. Буларнинг барчаси мамлакатимизда аҳолининг сифатли, кафолатланган ва нисбатан арзон дори-дармон воситаларига бўлган талабини тўлиқ қондиришга эътибор кучайтирилаётганидан, дори-дармон таъминоти тизимли асосда яхшиланаётганидан далолат беради.

Ҳозирги кунда бутун дунёда шифобахш ўсимликлар асосида тайёрланган дори воситаларига талаб ортмоқда. Дунё фармацевтика бозорларида ушбу турдаги дори воситалари ҳажми 50-60 фоизни ташкил этаётгани бежиз эмас. Бинобарин, она-заминимизда доривор ўсимликларнинг 1 минг 150 тури мавжуд бўлиб, улардан импорт ўрнини босувчи ноёб дори воситалари ва фаол биологик қўшимчалар тайёрлаш ҳисобига экспорт имкониятлари кенгайиши аниқ.

Айни пайтда мамлакатимизда




Фармацевтика соҳасида фаолият юритаётган Ўсимлик моддалар кимёси институти, “Вакцина”, “Ботаника” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, “Шарқ табобати” илмий тадқиқот институти каби саккиз турдош муассасаларнинг олим ва мутахассислари изланишлари самарасида сўнгги уч йилда маҳаллий доривор ўсимликлар асосида 40 номда субстанциялар тайёрлаш йўлга қўйилди.

“Ўзфармсаноат” ДАК мутахассислари келгусида доривор ўсимликлардан дори воситалари тайёрлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилгани ҳамда 2014 — 2016 йилларда мазкур йўналишда 56 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилишини маълум қилдилар.

Анжуманда соҳада эришилган натижалар ва галдаги устувор вазифалар атрофлича, қизғин муҳокама этилди.

**Ф. МАҲКАМОВА.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

*Истиқлол йилларида аждодларимиз томонидан яратилган бой маданий меросни чуқур ўрганиш имкониятлари юзага келди. Жаҳоннинг етук илмий марказлари билан ўзаро амалий ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Хусусан, қоятош расмларини ўрганишда бир нечта халқаро экспедициялар, Ўзбекистон — Польша, Ўзбекистон — Норвегия, Ўзбекистон — Россия ва бошқа чет эл мутахассислари билан бирга амалга оширилган илмий тадқиқотларда ижобий натижаларга эришилди.*



# Битиклар тарихимиздан сўзлайди



Бу тадқиқотларнинг хулосалари республикамиз ва дунёнинг турли давлатларида бўлиб ўтган анжуманларда мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилди. Фикримизнинг исботи сифатида Нурота тоғ тизмаларининг жанубий ён бағридан кўплаб қоятош расмлари ёдгорликлари топилганлигини айтиб ўтишимиз мумкин.

Бу ёдгорликларда, асосан, ибтидоий буқа, тоғ эчкиси, буғу, архар, қулон, жайрон, сайғоқ, бўри, тулки, ит, от, туя, хонаки эчки, суворий, туялар карвони, овчи, жанг ва ов қуроллари ҳамда араб ва кирилл ҳарфларида битилган ёзувлар учрайди. Улар алоҳида-алоҳида ёки композицион кўринишларда тасвирланган.

Маълумки, ҳали ҳеч қандай тасвир бўлмаган қоятош ёнига келган рассом, албатта, тошнинг энг қулай бўлган қисмига расм чизишга қўл урган. Ундан кейингилари эса шу қоянинг қолган қисмларига, агар жой қолмаган бўлса, қадимги тасвир устига расм уриб чўкичлаганлар. Бундай ҳолат қоятош расмларининг даврий санасини аниқлашда ёрдам беради. Чунки биринчи тасвирнинг, бир кунга бўлса ҳам, иккинчи расмдан олдин чизилганлигини англаш қийин эмас. Бу каби расмларнинг асосий қисми тоғ дараси торайган, қоятошлар анча силлиқ бўлган ҳудудларда жойлашган.

Тарихий манбалардан биламизки, Марказий Осиё халқлари қадимдан мўъжизавий нарсалар ва жониворларга, шу жумладан, тошга сиғинган. Бугунги кунда халқимиз орасида эъзозланиб келинаётган Сангижумон, Тошқиз, Тошбулоқ, Қирққиз каби тошларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бундай жойлар қадимги аждодлар ибодат қилган, сиғинган муқаддас даргоҳ, қадамжо бўлган. У давр кишилари маълум вақтларда бу муқаддас даргоҳдаги расмли қоялар ёнида ибодат қилиб, диний удумларни бажо келтирган. Ана шундай одатлардан бири қояларга расм чизиш бўлган, дейиш мумкин. Баъзи этнографик маълумотларга қараганда, қоялар ва ҳар хил буюмларга ишланган расмлар кишиларга бахт келтиради, чорва моллари ва ёввойи ҳайвонлар туёғини кўпайтиради, уларни ҳар хил касалликлардан асрайди, деб ҳисобланган.

Нурота тоғларидаги турли даврларга мансуб бўлган сон-саноқсиз расмлар, хилма-хил манзаралар шунчаки бекорчиликдан тошларни безаш учун ишланган эмас, албатта. Алоҳида-алоҳида ишланган расмлар ҳам, айрим воқеа ва ҳодисаларни ифода этувчи манзаралар ҳам қадимги давр кишиларининг ибтидоий тушунчалари ва диний эътиқодлари билан боғлиқ маънони англатади.

Демак, кишилар бу жойларни қадим замонлардан бошлаб ўзлаштирган ва ундан оқилона фойдаланишган. Давлатимиз томонидан петроглифлар, бошқа археологик ёдгорликларни сақлаб қолиш, асраб-авайлаш мақсадида эзгу чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаётгани эса ҳар биримизни қувонтиради, албатта. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг “2010 — 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори мазкур жабҳадаги ишларни янада такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Табиийки, бундай эътибор ёшларимиз қалбида тарихий обидаларга ҳурмат туйғусини шакллантиради. Улар тўғрисидаги билимларни ошириш ва ахборотларни кўпайтириш, маданий меросимиздан унумли фойдаланишга кенг йўл очади.

**Муҳиддин ХЎЖАНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон ФА Археология институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари номзоди.**

# Ғолиблар республика босқичида беллашади

*Бухоро муҳандислик-технология институти талабаси Алишер Мухторов “Юрт келажаги” танлови вилоят босқичининг ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар номинациясида ғолиб чиқди. Тадбирда ўзининг веб ишланмаси билан қатнашган бу изланувчан талаба энди танловнинг республика босқичида Бухоро вилояти шарафини ҳимоя қилади.*

«ЮРТ КЕЛАЖАГИ — 2014»

— Иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш каби қатор эзгу мақсадлар кўзда тутилган мазкур танловда Алишерга ўхшаган истеъдодли, изланувчан ёшларнинг 478 нафари ўз маҳоратини, иқтидорини синовдан ўтказди, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти кенгаши бўлими мудири Шоҳида Раҳматова. — Якунда омад 48 нафар йигит-қизга кулиб боқди. “Тоққа чиққан чўққини кўзлар” деганларидек, ғолиб ёшларимиз танловнинг республика босқичида ҳам муносиб қатнашиш ниятидалар.

* * *

Ушбу танловнинг Самарқанд вилояти босқичи ҳам ҳақиқий маънода ёшларнинг салоҳият ва зеҳн кўригига айланиб кетди. Бу йилги беллашувда кўрик-танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб деб топилган 641 нафар иқтидорли йигит-қиз қатнашди.

— Бундай танловлар биз, ёшларга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир, — дейди Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабаси Абдуҳамид Бектемиров. — Танловда экотуризм бўйича ишлаб чиққан лойиҳа ва таклифларим ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб эътироф этилганидан жуда хурсандман.

Танлов якунида 47 нафар иштирокчи ғолибликни қўлга киритди. Улар “Камолот” ЁИҲнинг махсус дипломи ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

WWW.XS.UZ Тошкент: Шахмат бўйича 12 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон вакиллари истеъдод ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмасликларини яна бир карра исботлашди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 769. 79 560 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5